O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2010 йил 22 сентябрь, № 184 (5099) Чоршанба

# ИСЛОМ КАРИМОВ ВА ПАН ГИ МУН УЧРАШУВИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қароргоҳида БМТ Бош котиби Пан Ги Мун билан учрашди.**



*НЬЮ-ЙОРК, 20 сентябрь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.*

Музокара аввалида мамлакатимиз раҳбари БМТнинг Фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзди.

— БМТнинг Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатларига эътибори кучайиб бормоқда, — деди Ислом Каримов. — Ташкилотнинг минтақамизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, хавфсизликни мустаҳкамлаш, наркотрафик, уюшган трансмиллий жиноятчилик ва бошқа таҳдидларга қарши курашиш, экологик муаммоларни бартараф этиш ва сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш масалаларини ҳал қилишдаги ҳамкорлигини юксак қадрлаймиз.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан БМТ ҳузуридаги Тараққиёт дастури, ЮНЕСКО, Болалар жамғармаси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби тузилмалар ўртасида яқин алоқалар ўрнатилгани ва бу ҳамкорлик ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбекистон БМТ билан кўплаб соҳаларда ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиб келмоқда. Ўзаро муносабатлар кун тартибидан хавфсизлик, экология, иқтисодий ривожланиш, таълим ва соғлиқни сақлаш каби масалалардан ташқари, БМТни ислоҳ қилиш, жумладан, унинг органлари фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари ҳам ўрин олган. Ўзбекистон БМТнинг мамлакатимиздаги тузилмаларини ягона ваколатхонага бирлаштириш таклифини илгари сурмоқда. Бу Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва фаоллаштириш, ушбу ташкилот тузилмаларининг мамлакатимиздаги саъй-ҳаракатларини янада самарали мувофиқлаштириш имконини берган бўлур эди.

Учрашувда Пан Ги Мун БМТ Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлашини, мамлакатимиз билан муносабатларга ва умуман, Марказий Осиё минтақасига алоҳида эътибор қаратишини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

**Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БМТ САММИТИ МИНГЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ЯЛПИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам раис жаноблари!

Ҳурматли дўстлар!

Жаҳоннинг турли нуқталарида ҳамон давом этаётган урушлар ва қарама-қаршиликлар, сақланиб қолаётган давлатлараро, миллатлараро ва динлараро зиддиятлар, Мингйиллик ривожланиш декларациясида таъкидланганидек, қашшоқлик, очлик, оналар ва болалар ўлими, эпидемиялар ва инсониятнинг бошқа муаммоларига қарши кураш борасидаги энг жиддий тўсиқлар бўлиб қолмоқда.

Ушбу ҳақиқатнинг тасдиғини 30 йилдан буён ҳарбий ҳаракатлар давом этаётган жафокаш Афғонистон мисолида кўришимиз мумкин. Бугун афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслиги янада аён бўлмоқда, коалиция кучларининг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича танлаган стратегияси эса кутилган натижаларни бермаяпти. Муттасил давом этаётган уруш Афғонистон халқининг аҳволини тобора оғирлаштирмоқда ва муаммони ҳал этишни янада қийинлаштирмоқда.

Ҳозирги вазиятда Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишнинг муқобил йўлларини топиш ғоят муҳим аҳамият касб этади. Ушбу йўллардан бири, бизнинг фикримизча, Ўзбекистон томонидан 2008 йилда таклиф этилган БМТ шафелигида 6+3 мулоқот гуруҳини ташкил қилиш муҳим роль ўйнаган бўлур эди. Ташаббусимизнинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, афғонистонликлар ўз мамлакати муаммоларини ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, Афғонистонда урушнинг тугаши ва унинг барқарор келажагидан манфаатдор мамлакатлар кўмагида ўзлари ҳал этишлари даркор.

Улар сирасига, авваламбор, тинчлик ўрнатиш миссиясига дахлдор АҚШ, НАТО, Россия, шунингдек, Афғонистон билан бевосита қўшни мамлакатларни киритиш зарур. 6+3 мулоқот гуруҳининг энг муҳим мақсади — бир-бирига қарши курашаётган томонларга Афғонистонда ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш дастурини таклиф этиш, мамлакатни пароканда қилаётган асосий муаммо ва зиддиятлар бўйича ўзаро муроса асосидаги ечимларни топиш, хавфсизликни таъминлаш ҳамда барча томонларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда зарур кафолатларни беришдан иборат.

Бу борада ушбу Дастурда иқтисодий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий, инфратузилма ва гуманитар лойиҳаларни амалга ошириш, аҳоли бандлиги муаммоларини, қашшоқлик, ҳуқуқсизликка қарши кураш бўйича энг долзарб вазифаларни ҳал этишга алоҳида эътибор берилиши лозим. Афғонистон халқи амал қиладиган кўп асрлик анъаналар, урф-одатлар, ислом динининг қадриятлари тўлиқ ҳурмат қилиниши зарур.

Шуни таъкидламоқчиманки, бундай мақсадларга эришиш учун ҳозирча Афғонистонда турган тинчликпарвар коалиция кучлари ёрдам бериши мумкин. 2010 йилнинг июнида Қирғизистонда рўй берган фожиали воқеалар Марказий Осиё минтақасидаги вазиятни издан чиқаришга жиддий хавф солмоқда. Шу йилнинг апрелида обрў-эътиборини йўқотган президент ҳокимиятининг ағдарилиши, юзага келган кескинлик ва қарама-қаршиликлар, шунингдек, мамлакатда қонуний ҳокимиятнинг заифлиги Қирғизистон жанубида миллатлараро қонли ва шафқатсиз воқеалар юзага келишига сабаб бўлди. Бунинг натижасида юзлаб бегуноҳ одамлар қурбон бўлди, минглаб тинч аҳоли жабр кўрди.

Қирғизларнинг ўзи ҳам, республика жанубида яшаётган кўп сонли ўзбеклар ҳам учинчи кучлар томонидан пухта ўйланган ва уюштирилган акциянинг қурбонига айланди, дейиш учун бугун барча асосларимиз бор.

Узоқни кўзлаб амалга оширилган бу акциядан мақсад мамлакатда нафақат тартибсизлик ва парокандаликни юзага келтириш, балки Ўзбекистонни ушбу ваҳшиёна хунрезликка тортиш, пировард натижада, миллатлараро қарама-қаршиликни икки қўшни мамлакат — Қирғизистон ҳамда Ўзбекистон ўртасидаги давлатлараро қарама-қаршиликка айлантиришдан иборат эди.

Ўта мураккаб ва ўт олиб кетиш хавфи бўлган мазкур вазиятда қабиҳ ният билан ташкил этилган воқеаларнинг ривожланишига йўл қўймаслик биз учун ниҳоятда оғир муаммога айланди. Ўз ҳудудимизда юз мингдан ортиқ қочқинлар, болалар, хотин-қизлар, қарияларни қабул қилиш, уларни жойлаштириш ва барча зарур нарсалар билан таъминлаш жуда катта куч, меҳнат ва ресурсларни талаб қилди. Айни пайтда ўта шафқатсиз зўравонликнинг авж олишига йўл қўймаслик, чегара ҳудудида осойишталикни сақлаш, фавқулодда оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган қаҳру ғазабни жиловлаш, экстремизмнинг шиддатли тус олишининг олдини олиш зарур эди.

Фақат ақл-идрок, оддий ҳақиқатни, яъни ушбу заминда кўп асрлар давомида ўзбеклар ва қирғизлар ёнма-ён яшаб келгани ва бундан буён ҳам уларнинг фарзандлари ҳамда авлодлари кўп асрлар мобайнида бирга яшашини теран англаш бизга ва халқимизга мазкур фожианинг Марказий Осиёда қарама-қаршиликларнинг янги, кенг кўламли ўчоғига айланиб кетишининг олдини олишда муҳим омил бўлди.

Албатта, бугун Қирғизистон инсонпарварлик ёрдамига, қўшнилари ҳамда жаҳон ҳамжамиятининг кўмагига муҳтож.

Бироқ 11 — 14 июнь кунлари Қирғизистон жанубида содир этилган талон-торожлар, хунрезлик ва зўравонликлар бўйича мустақил халқаро текширув ўтказиш, ушбу қонли ваҳшийликларнинг барча буюртмачилари, ташкилотчилари ва ижрочиларини жиноий жавобгарликка тортиш янада муҳим вазифа ҳисобланади.

Ишончим комилки, тахминларга асосланган ҳар қандай фикрлар ва бир ёқлама ёндашувларни истисно қилувчи холис ва мустақил халқаро текширувларни ўз вақтида ўтказиш, халқаро ҳамжамиятнинг бу борадаги қатъий принципиал позицияси Қирғизистон жанубида қирғизлар ҳамда камсонли ўзбекларнинг муросага келиши ва тотувлигини таъминлаш учун йўл очиб бериши мумкин. Бундай позициядан ҳар қандай чекиниш Қирғизистон жанубида фожиали воқеаларнинг яна такрорланиши, ўта хавфли кескинлик манбаининг пайдо бўлишига олиб келиши мумкинлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

Шу муносабат билан биз БМТдан фожиали воқеалар юзасидан мустақил халқаро текширувлар ўтказиш борасида ҳар томонлама ёрдам кўрсатишини кутишга ҳақлимиз. Бу, ўз навбатида, қўшни Қирғизистонда воқеаларнинг яна авж олишининг олдини олиш имконини беради.

Экологияни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш, айниқса, ҳозирги аномал табиий ўзгаришлар шароитида Мингйиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришишда катта аҳамият касб этади. Орол фожиаси экология муаммоларига масъулиятсиз муносабатда бўлишнинг яққол мисолидир. Бир пайтлар ноёб ва гўзал денгизлардан бири бўлган Орол бир авлод ҳаёти давомида деярли қуриб ва йўқолиб бораётган сув ҳавзасига айланди.

Қирқ йил мобайнида Орол денгизи акваторияси 7 баравар қисқарди, сув ҳажми 13 марта камайди, унинг минераллашуви эса ўнлаб баравар ошиб, денгизни тирик организмларнинг яшаши учун яроқсиз аҳволга келтирди. Натижада қарийб барча ҳайвонот ва наботот олами таназзулга учради ва йўқолди.

Бугун Оролбўйида нафақат экологик, балки дунё миқёсида оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммолар пайдо бўлди. БМТ Бош котиби жаноб Пан Ги Мун шу йил Оролбўйига ташрифи чоғида бунга ишонч ҳосил қилди. Ва биз бу ташриф учун унга катта миннатдорлик билдирамиз.

Орол денгизининг қуриши давом этаётгани ва унинг атрофида гуманитар фалокат содир бўлаётгани сабабли Оролбўйининг табиий биологик фондини асраб-авайлаш, Орол инқирозининг атроф-муҳитга, энг муҳими, бу ерда истиқомат қилаётган юз минглаб ва миллионлаб одамлар ҳаётига ҳалокатли таъсирини камайтириш бугунги кундаги энг муҳим вазифа ҳисобланади.

Шуни ҳисобга олиш зарурки, Оролбўйи ҳудуди иккита асосий манба — Амударё ва Сирдарё ҳисобидан сув билан таъминланади, ушбу дарёлар оқимининг камайиши мазкур кенг минтақанинг шундоқ ҳам заиф экологик мувозанатини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин.

Бундай шароитда 30-40 йил аввал, собиқ совет даврида

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ НЬЮ-ЙОРК УЧРАШУВЛАРИ

*НЬЮ-ЙОРК, 21 сентябрь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.*

***БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисида иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 21 сентябрь куни БМТ Бош қароргоҳида Германия Федератив Республикаси Канцлери Ангела Меркель билан учрашди.***

Давлатимиз раҳбари Германия Ўзбекистоннинг Европадаги ишончли ҳамкорларидан эканини, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Германия билан Ўзбекистон ўртасида мустаҳкам сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар йўлга қўйилган. Турли даражадаги кўплаб икки томонлама ташрифлар мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Германия Ўзбекистоннинг мамлакатни янада демократлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Ўзбекистон билан Германия ўртасида минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасида яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Икки давлат ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш мамлакатимизнинг Европа Иттифоқи билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини ҳам кенгайтиришга йўналтирилган.

Учрашувда Ангела Меркель Германиянинг тинчликпарвар сиёсати Ўзбекистон томонидан қўллаб-қувватланаётгани учун Президентимизга самимий миннатдорлик изҳор этди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон — Германия ҳамкорлиги кўламини янада кенгайтиришга доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу куни БМТ Бош қароргоҳида Бельгия Бош вазири Ив Летерм билан учрашди.***

Давлатимиз раҳбари Бельгия Ўзбекистоннинг Ғарбий Европадаги ишончли ҳамкорларидан эканини, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Бельгия ўртасида парламентлараро алоқалар фаоллашмоқда, ташқи сиёсат ва мудофаа маҳкамалари, хавфсизлик органлари, олий таълим муассасаларининг ҳамкорлиги кенгаймоқда.

Бельгия парламенти вакиллари, «Ўзбекистон — Бельгия» парламентлараро ҳамкорлик гуруҳи аъзолари мамлакатимизда ўтказиладиган халқаро анжуманларда мунтазам иштирок этиб келмоқда. Ташқи ишлар вазирликларининг маслаҳатлашувлари чоғида икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга оид долзарб масалалар муҳокама қилинмоқда. Ўзбекистон ва Бельгия минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида ҳам яқиндан ҳамкорлик қилаётир.

Иқтисодий соҳада Ўзбекистон билан Бельгия ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тизими жорий қилинган. Ўзбекистон Бельгияга пахта толаси, газлама, ноорганик кимё маҳсулотлари экспорт қилади. Бельгиядан мамлакатимизга механик ускуналар, фармацевтика маҳсулотлари, пластмасса ва ундан ясалган буюмлар, каучук ва резина келтирилади. 1999 йилдан Тошкентда Валлония Экспорт ва хорижий сармоялар бўйича агентлиги (AWEX) ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Ғарбий Фландрия Савдо-саноат палатаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланган. Кейинги йилларда Тошкент ва Брюсселда икки мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантириш имкониятларига, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сармоявий салоҳиятига, шаҳарлар инфратузилмасини такомиллаштиришга бағишланган қатор бизнес-форум ва тақдимот маросимлари, ишбилармонларнинг учрашувлари ўтказилди.

(Давоми 2-бетда).

# ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

*НЬЮ-ЙОРК, 20 сентябрь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.*

***БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисида қатнашиш учун Нью-Йоркка келган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШнинг "General Motors" корпорацияси раисининг ўринбосари Томас Стивенсни қабул қилди.***

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистонда автомобилсозлик саноати жадал ривожланаётган соҳалардан бири эканини таъкидлаб, бунда "General Motors" билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутишини, бугунги учрашув ўзаро алоқаларга оид масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканини таъкидлади.

Дарҳақиқат, "General Motors" мамлакатимиз автомобилсозлик саноатига кириб келганидан кейин ўтган қисқа даврда Асакадаги заводда бир неча янги русумдаги автомо-

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БМТ САММИТИ МИНГЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ЯЛПИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ишлаб чиқилган, мазкур дарёлар юқори қисмида улкан гидроиншоотларни қуриш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга ҳар қандай уринишлар, боз устига, ушбу иншоотлар барпо этиладиган зоналарнинг сейсмик хавфи 8-9 баллни ташкил этишини ҳисобга олсак, буларнинг барчаси экологияга ўнглаб бўлмайдиган зарар етказиши ва хавфли техноген ҳалокатларга олиб келиши мумкинлиги аён бўлади.

Кўплаб халқаро экология ташкилотлари ва нуфузли экспертлар тавсия қилаётганидек, ушбу дарёлардан шу миқдордаги энергетика қувватларини олиш учун нисбатан хавфсиз, аммо анча тежамкор кичик ГЭСлар қурилишига ўтиш оқилона йўл бўлур эди.

Қуриб бораётган Орол муаммоси — бу ушбу минтақада яшаётган, БМТдек нуфузли ташкилотга умид билан ёрдам сўраб мурожаат қилаётган миллионлаб одамларнинг муаммосидир.

Жаноб Раис!

Фурсатдан фойдаланиб, Саммит иштирокчиларига Ўзбекистонда Мингйиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришиш йўлида амалга оширилган ишлар ҳақида қисқача маълумот бермоқчиман.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида БМТ аъзолари сафидан жой олганига атиги 19 йил бўлди. Илгари ўзининг бир томонлама ривожланган хом ашё етиштиришга йўналтирилган иқтисодиёти, ҳалокатли пахта яккаҳокимлиги авжга чиққан, қолоқ ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаси, жон бошига истеъмол даражаси паст бўлган мамлакатимиз мустақил ривожланиш йилларида янги ва улкан марраларни қўлга киритди ва бунинг натижасида унинг қиёфаси тамомила ўзгарди, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади.

Ўтган йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот 3,5, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баравар ўсди, ўртача иш ҳақи 14 баравар ошди. Давлатнинг ижтимоий соҳа ва ижтимоий муҳофаза учун сарф-харажатлари 5 баравардан зиёдроқ кўпайди. Ҳар йили давлат бюджетининг 50 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда.

Бугунги кунда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 82,5, табиий газ билан таъминлаш 83,5 фоизга етди, соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, ўта оғир юқумли касалликларга барҳам бериш ҳамда уларни камайтириш борасида қатъий чоралар кўрилди. Оналар ўлими даражаси 2 баравардан кўпроқ, болалар ўлими 3 баравар камайди. Ушбу даврда, яъни қарийб 20 йил мобайнида одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшгача ошди. Бугун мамлакатимизда иш билан банд бўлган аҳолининг 48 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг жиддий таъсирларига қарамай, Ўзбекистон дунёдаги камсонли давлатлар қаторида иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминламоқда, ишончли фаолият кўрсатаётган молия-банк тизимини сақлаб турибди.

Масалан, 2008-2009 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари 9 ва 8,1 фоизни ташкил қилди, жорий йилда бу кўрсаткич 8,5 фоиз даражада бўлиши кутилмоқда. Давлатнинг ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотнинг 10 фоизидан ошмайди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида қабул қилинган **мамлакатни демократлаштириш бўйича ўз моделимиз,** иқтисодиётнинг мафкурадан холилиги ва сиёсатдан устунлиги, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш тамойилларига асосланган **ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш** ушбу ютуқларни қўлга киритишда муҳим омил бўлмоқда. Биз, аввал бошдан "шок терапияси" деб аталган усулларни четдан туриб жорий этишга қаратилган уринишлардан, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан воз кечдик, "янги уйни қурмасдан туриб, эскисини бузманг" деган ҳаётий тамойилга таянган ҳолда, маъмурий-буйруқбозлик, мустабид тизимдан бошқарувнинг бозор тизимига ўтиш жараёнида тадрижий ёндашувни танладик.

Таълим жараёни ва одамлар тафаккурининг юксалиши ушбу барча ўзгаришларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Ўзбекистонда ҳар йили таълим учун сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этади. Ҳолбуки, жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 3-5 фоиздан ошмайди. Мамлакатимизда ноёб Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга оширилди, 2009 йилдан бошлаб 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилди. Ўзбекистон дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига қўшилиш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни, мамлакатни модернизация қилишни давом эттириш ҳамда чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва шу асосда ўз фуқаролари учун муносиб турмуш шароитини яратишни ўзининг истиқболдаги муҳим вазифалари деб билади.

Сўзимнинг якунида шуни таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон БМТ Бош котиби Пан Ги Мун таклиф этган Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш борасидаги Тараққиётни жадаллаштиришга оид глобал ҳаракатлар режасини қўллаб-қувватлайди ва уни амалга оширишда фаол иштирок этади.

Эътиборингиз учун раҳмат.

# ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

биллар ишлаб чиқарила бошлади. Илгари унинг конвейерларидан "Damas", "Matiz" ва "Nexia" чиққан бўлса, эндиликда улар қаторига "Lacetti", "Captiva", "Epica" ва "Tacuma" русумли автомобиллар қўшилди. Жорий йилнинг август ойидан эса "Spark" русумли янги автомобиль ишлаб чиқарилмоқда. Завод йилига 50 минг дона шундай автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга. Уларнинг салкам ярмини экспорт қилиш мўлжалланмоқда.

"General Motors" билан ҳамкорлик қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда янги замонавий автомобиллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш билан бирга, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, экспорт ҳажмини ошириш ва жуғрофиясини кенгайтириш, савдо стратегиясини такомиллаштириш, маркетинг тадқиқотлари ўтказишни ҳам қамраб олади. Шу тариқа Ўзбекистон автосаноати "General Motors"нинг глобал тармоғидаги муҳим бўғинга айланиб, автомобилсоз давлатлар қаторидаги ўрнини мустаҳкамламоқда. "General Motors" билан ҳамкорлик хориждан Ўзбекистон автомобилсозлик саноатидаги янги лойиҳалар, хусусан, маҳаллийлаштиришга оид дастурлар учун сармоя жалб этишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Учрашувда Томас Стивенс самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этиб, "General Motors" Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлашини ва ўзаро алоқаларни изчил ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида ҳамкорликни кенгайтиришнинг устувор йўналишлари, яқин ва ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган режалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШнинг "Sikorsky Aircraft" компанияси президенти Жеффри Пинони қабул қилди.***

Ушбу компания самолётсозликнинг пешқадамларидан ҳисобланади. Дунёдаги мавжуд вертолётларнинг 90 фоизи шу компаниянинг дастлабки модели асосида ишлаб чиқарилади.

"Sikorsky Aircraft"нинг вертолётлари енгиллиги, кўп вазифаларни бажара олиш қобилияти, парвоз имкониятлари ва юксак рақобатбардошлиги билан ажралиб туради. Ушбу компанияда ишлаб чиқарилган техника кўтариладиган юк вазни, тезлик ва бошқарувнинг нисбатан қулайлиги билан халқаро миқёсда кенг эътироф этилган. "Sikorsky Aircraft" маҳсулот ишлаб чиқариш ва халқаро буюртмалар борасида етакчи компания саналади. Кўплаб давлатларнинг тез ёрдам, қутқариш ва қидириш хизматлари шу компания техникасидан фойдаланади.

Учрашувда Ж. Пино самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, "Sikorsky Aircraft" Ўзбекистон билан ҳамкорликдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШнинг "Honeywell" корпорацияси раиси ва ижрочи директори Дэвид Коутни қабул қилди.***

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан АҚШнинг йирик корпорациялари ўртасида ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини қайд этиб, "Honeywell" билан шериклик алоқалари ўрнатиш ва ривожлантириш учун ҳам барча имкониятлар мавжуд эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Марказий Осиёдаги етакчи давлат сифатида ушбу корпорация учун янги бозорлар сари робита бўлиши мумкин. Айни пайтда унинг техника ва технологияларини, сармоясини жалб этиш орқали Ўзбекистонда саноатнинг янги илғор турларини ўзлаштириш имконини беради.

"Honeywell" кўп тармоқли саноат-технология корпорацияси бўлиб, дунёнинг етакчи юзта компанияси сафида туради. У аэрокосмик техника, маъмурий, саноат ва турар-жой биноларини бошқариш технологиялари, автомобилсозлик техникаси, турбокомпрессорлар ва кўплаб турдаги бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Самолёт двигателлари ҳамда парвозни бошқариш тизимлари, автоматлаштирилган хавфсизлик тизимлари, буғқозон, совитиш ускуналари, сув таъминоти тармоқлари, термостат, контроллер каби саноат ва кўплаб маиший техника воситалари мана шу корпорация томонидан ёки унинг технологиялари асосида ишлаб чиқарилади.

Корпорация фаолиятининг кўлами жуда катта. Кўплаб мамлакатлардаги йирик нефтни қайта ишлаш заводлари "Honeywell"нинг автоматлаштирилган тизимлари билан ишлайди. Йирик музей, галерея ва театр биноларида, парламент бинолари ва ҳукумат уйларида "Honeywell"нинг хавфсизлик тизимлари ўрнатилган. Корпорация хизматлари ва маҳсулотларининг юқори сифати бутун дунёда эътироф этилади. "Honeywell" "маҳсулотлар диапазони энг катта бўлган компания" мақомини ҳам олган.

Биргина автомобилсозлик саноати мисолида оладиган бўлсак, "Honeywell" билан ҳамкорлик турли эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш орқали ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни кенгайтириш ва жадаллаштириш, автомобилларда ёқилғи тежамкорлигини ошириш, фильтрлар, свечалар, антифризларнинг яроқлилик муддатини узайтириш имконини беради.

Учрашувда Дэвид Коут Ўзбекистон юксак интеллектуал салоҳиятга, бой ишлаб чиқариш ресурсларига эга давлат эканини, "Honeywell" раҳбарияти мамлакатимиз билан ҳамкорлик истиқболига қатъий ишонч билан қарашини таъкидлади.

Суҳбат чоғида "Honeywell" билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва кенгайтириш масалалари, қўшма сармоявий лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш каби икки томонлама фойдали бўладиган устувор йўналишлар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

# САНОАТИМИЗ ЮТУҚЛАРИ НАМОЙИШИ

***Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуида "Марказий Осиё саноат ҳафталиги" мақоми берилган халқаро кўргазмалар форуми кеча ўз ишини бошлади. Саноатимизнинг етакчи тармоқларини бирлаштирган мазкур тадбирга нисбатан қизиқиш тобора ошиб, иштирокчи компаниялар сони йил сайин кўпаймоқда.***



Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ҳафталик доирасида бир йўла учта ихтисослаштирилган — "Ўзбекистон энергетикаси — Power Uzbekistan — 2010", "Тоғ-кон иши — MiningWorld Uzbekistan — 2010" ҳамда "Металлургия. Машинасозлик — МСА — 2010" халқаро кўргазмаларининг ўтказилиши маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар учун тенг манфаатли келишувларга эришиш, янги ҳамкорлар топиш учун қулай муҳитни юзага келтирмоқда.

Нуфузли тадбир Ўзбекистон савдо-саноат палатаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг "Ўзсувэнерго" ихтисослаштирилган бирлашмаси, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги кўмагида "ITE Uzbekistan" халқаро кўргазмалар компанияси томонидан ташкил этилди.

Саноат ҳафталигининг очилиш маросимида сўзга чиққанлар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида саноат корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш, ишлаб чиқаришга замонавий инновацион лойиҳаларни татбиқ этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Жорий йилда бу борадаги ишлар жадал давом эттирилиб, дастлабки олти ойда модернизациялаш бўйича 108 та лойиҳа муваффақиятли якунланди, 529 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. Бу, ўз навбатида, саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши, экспорт салмоғининг кўпайишида муҳим аҳамият касб этаётир.

Дарҳақиқат, саноатимизда кузатилаётган барқарор ривожланиш чет эллик мутахассисларнинг қизиқишини янада оширмоқда. Марказий Осиё саноат ҳафталигида Австрия, Беларусь, Германия, Дания, Италия, Канада, Хитой, Норвегия, Польша, Россия, АҚШ, Украина, Финляндия, Чехия, Швейцария, Швеция сингари жаҳоннинг 18 мамлакатидан 100 га яқин компаниялар иштирок этаётгани бунга мисол бўла олади.

Маълумки, энергетика иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларидан ҳисобланади. Кейинги йилларда энергия сарфини камайтириш ва энергияни тежаш мақсадида тармоқни модернизациялаш ишлари жадал олиб борилмоқда. Бу жараёнда нафақат хорижда, балки юртимиз корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан кенг фойдаланилаётгани, айниқса, қувонарлидир. Чунки ўзимизда тайёрланаётган юқори ва паст вольтли ускуналар, электр энергияси жиҳозлари сифати ва самарадорлиги билан рақобатга кириша олаяпти. Тизимда амалга оширилаётган шу каби ислоҳотларнинг натижалари эса "Ўзбекистон энергетикаси — Power Uzbekistan — 2010" бешинчи халқаро кўргазмасида кенг намойиш этилмоқда.

— Юртингиз саноати, хусусан, энергетика соҳаси жадал ривожланаётгани ҳақида кўп эшитганмиз, — дейди Хитойнинг "Аньза" компанияси менежери Ван Ин. — Кўргазмада бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Шу боис ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар билан алоқаларни янада ривожлантириш, янги ҳамкорлар топиш ниятидамиз. Чунки бизнинг компаниямиз кўп тармоқли бўлиб, барча турдаги электр энергияси жиҳозлари, шунингдек, муқобил энергия манбалари ускуналарини тайёрлаш йўлга қўйилган. Бу ерда маҳсулотларимизга қизиқиш юқорилиги бизни хурсанд қилаяпти, албатта.

**Кўргазма**

Кўргазма доирасида ишлаб чиқарувчиларнинг янги маҳсулотлари тақдимотлари ва турли тадбирлар ўтказилиши мўлжалланган. Жумладан, унинг иккинчи иш кунида "Энергетика — 2010" инновациялар, ечимлар, истиқболлар" мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтади. Унда Ўзбекистон энергетикаси истиқболлари, тармоққа энергияни тежовчи янги техникавий ва муҳандислик ечимларини татбиқ этиш каби масалалар муҳокама қилинади.

Заминимиз бағрида кўплаб турдаги ер ости бойликлари мавжуд. Истиқлол йилларида геология-қидирув экспедициялари ва хизматлари соҳасининг ривожлантирилиши янги конларни очиш имконини бермоқда. Ер қаъридан олинаётган бойликлар иқтисодиётимизнинг тобора юксалишига хизмат қилаётир.

Соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тизимга замонавий технологияларни жалб этишда ўтказиб келинаётган анъанавий "Тоғ-кон иши — MiningWorld Uzbekistan — 2010" халқаро кўргазмаси муҳим ўрин тутмоқда. Таъбир жоиз бўлса, ушбу тадбир ўтган беш йил ичида ишлаб чиқарувчилар ва харидорларни тўғридан-тўғри боғловчи мустаҳкам кўприкка айланди.

— Бизнинг компаниямиз кончилик соҳаси учун махсус техникалар, экспедиция ускуналари, бурғилаш, маъданни майдалаш, ташиш каби жиҳозлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган, — дейди Финляндиянинг "Sandvik Mining and Construction" компанияси вакили Олег Вазових. — Маҳсулотларимиз жаҳоннинг деярли барча мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистонга ҳам экспорт қилинади. Юртингизда ўз ваколатхонамизни очганимиздан сўнг ҳамкорлик алоқаларимиз янада кенгайди. Бунда, табиийки, ихтисослаштирилган кўргазмаларнинг доимий иштирокчисига айланганимиз қўл келаяпти. Бу галги тадбир ҳам келишувларга бой бўлишига ишонаман.

Саноат ҳафталигининг яна бир муҳим йўналиши — "Металлургия. Машинасозлик — МСА — 2010" учинчи Марказий Осиё халқаро кўргазмаси экспозицияси учун ажратилган майдон ҳам одамлар билан гавжум. Бу ерга келганлар мамлакатимизнинг машинасозлик соҳасидаги ютуқлари билан яқиндан танишмоқдалар.

Халқаро экспертларнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда машинасозлик саноати иқтисодиётнинг етакчи тармоғига айланган. Жорий йилнинг биринчи ярмида тизимда еттита янги корхонанинг фойдаланишга топширилгани бунинг тасдиғидир.

Кўргазмада чет эллик ишлаб чиқарувчилар орасидан унинг илк иштирокчиси — украиналик машинасозларга кенг ўрин берилди. Анжуманнинг иккинчи иш кунида Украина саноат салоҳияти тақдимоти ўтказилиши ҳам белгиланган. Бу томонлар ўртасида ҳамкорлик алоқаларининг кенгайишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Умуман олганда, "Марказий Осиё саноат ҳафталиги — Central Asian Industrial week — 2010" халқаро анжумани кўламининг кенглиги, мавзулар ранг-баранглиги билан саноатимиз ютуқларининг чинакам намойиш майдонига айланди. Бу саноат тармоқларига инвестициялар, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни, замонавий техника ва технологияларни жалб этишда кенг имкониятлар эшигини очиши муқаррардир.

Шунингдек, 21 сентябрь куни Тошкентда "CAIPS — 2010 — қўриқлаш, хавфсизлик ва ёнғинга қарши ҳимоя" тўртинчи Марказий Осиё халқаро кўргазмаси ҳам очилди. Халқаро аҳамиятга молик барча тадбирлар 23 сентябргача фаолият кўрсатади.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Бахтиёр АКРАМОВ**
**олган сурат.**

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ НЬЮ-ЙОРК УЧРАШУВЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маданият соҳасидаги ҳамкорлик доирасида Бельгияда Самарқанднинг 2750 йиллик, Марғилоннинг 2000 йиллик юбилейларига бағишланган кўргазмалар ташкил қилинди. 1999 йилдан «Ўзбекистон — Бельгия» дўстлик жамияти фаолият кўрсатмоқда. 2004 йилда «Дўстлик» Бельгия — Ўзбекистон маданият маркази очилди. Тошкент ва Кортрейк шаҳарлари ўртасидаги шериклик алоқалари фаоллашмоқда. Бельгиянинг бу шаҳрида Абу Али ибн Синога ҳайкал ўрнатилган. Самарқанд ва Льеж шаҳарлари ўртасида ҳам шериклик алоқалари ривожланмоқда.

Учрашувда Ив Летерм Бельгия Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлаши, ўзаро муносабатларни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор билан ёндашишини таъкидлади. Ўзбекистондаги қулай сармоявий муҳит бельгиялик ишбилармонларнинг ўзбекистонлик шериклар билан бирга бизнес қилиш иштиёқини кучайтираётганини қайд этди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон — Бельгия муносабатларига доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

* * *

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов БМТ Бош қароргоҳида Венгрия Республикаси Президенти Пал Шмитт билан учрашди.***

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Венгрияни ўзаро ишонч ва манфаатдорликка асосланган давлатлараро муносабатлар, халқларимизнинг маънавий яқинлиги бир-бирига боғлаб туришини, ушбу учрашув икки томонлама ҳамкорликка оид барча долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканини таъкидлади.

Мамлакатларимиз сиёсий соҳада икки ва кўп томонлама алоқаларни ривожлантирмоқда. Ўзбекистон ва Венгриянинг ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга доир масалаларга, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммоларга қараш ва ёндашувлари ўхшаш ва яқин.

Ўзбекистон ва Венгрия яқин иқтисодий ҳамкорлардир. Мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама солиқдан қочишга оид муҳим ҳужжатлар имзоланган.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Венгриянинг Савдони ривожлантириш ва сармоя бўйича агентлиги ҳамда «Eutoter Kft» сармоявий компанияси билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ишбилармонларнинг бевосита шериклик алоқаларини ривожлантириш мақсадида Тошкент ва Будапештда мунтазам равишда бизнес-форумлар ўтказилмоқда.

Сармоявий ҳамкорлик доирасидаги алоқалар ривожига 2009 йилда Ўзбекистон ҳукумати билан Венгриянинг «Omninvest Development Ltd» компанияси ўртасида имзоланган шартнома яхши мисол бўлади. Молиявий қиймати 100 миллион АҚШ долларидан иборат бу ҳужжат Ўзбекистонда гриппга қарши вакцина ишлаб чиқарувчи қўшма корхона ташкил этишни назарда тутади.

Шунингдек, Венгрия Эксимбанки Ўзбекистонга умумий қиймати 50 миллион АҚШ долларига тенг кредит ажратишга қарор қилди. Бу маблағ поликлиникаларни тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш, шаҳарлар инфратузилмасига энергия тежаш технологияларини жорий этиш, нефтни қайта ишлаш заводларида тозалаш иншоотларини реконструкция қилиш ва нефть шламини қайта ишлаш технологиясини ўзлаштириш бўйича лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилади.

Гуманитар соҳада Ўзбекистон Фанлар академияси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги Венгриянинг қатор ташкилотлари билан материалшунослик, микроэлектроника, приборсозлик, фармакология каби соҳаларда ҳамкорлик қилиб келмоқда. Икки мамлакатда кино кунлари, турли кўргазмалар ташкил қилинмоқда. Тошкент билан Будапешт шаҳарлари ўртасида шериклик алоқалари ўрнатилган.

Учрашувда Пал Шмитт Венгрия барча соҳаларда Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Венгрия ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболларига оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

* * *

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 21 сентябрь куни АҚШнинг «Boeing» корпорацияси катта вице-президенти Марти Бентротни қабул қилди.***

Мамлакатимиз раҳбари «Boeing» Ўзбекистоннинг авиация ва самолётсозлик соҳасидаги яқин ҳамкорларидан бирига айланганини, ушбу корпорация билан алоқалар ҳаво кемалари етказиб бериш баробарида, парвозлар хавфсизлигини ошириш, йўловчиларга хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, техникавий таъминот ва таъмирлаш, кадрлар тайёрлаш, мутахассислар малакасини ошириш каби соҳаларни қамраб олганини таъкидлади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ўз самолётлари паркини янгилаш доирасида 1995 йилдан буён «Boeing» билан ҳамкорлик қилиб келади. Шу кунгача миллий авиакомпаниямиз 11 «Boeing» русумли самолётни харид қилган. Шу тариқа қанотига Ўзбекистон байроғи туширилган «Boeing» самолётлари дунё мамлакатларига парвоз қилмоқда. Мамлакатимиз учувчилари «Boeing-757-200» ва «Boeing-767-300ER» самолётлари бошқарувини тўлиқ ўзлаштирган. «Uzbekistan Airways Technics» авиакорхонасида нафақат Ўзбекистонга қарашли, балки кўплаб бошқа давлатлардаги авиакомпанияларга тегишли шу русумдаги самолётларга техник хизмат кўрсатилмоқда.

«Boeing» билан ҳамкорлик йил сайин ривожланмоқда. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан «Boeing» ўртасида имзоланган битимларга кўра, ушбу корпорация 2011 — 2013 йилларда Ўзбекистонга яна тўртта «Boeing-767-300ER» самолёти етказиб беради. 2016 йилда эса «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси паркига «Boeing-787-8» русумдаги иккита янги авлод самолёти қўшилади.

Шу билан бирга, учувчи-техник таркиб, техник хизмат кўрсатиш мутахассислари тайёрлаш борасида «Boeing» билан ҳамкорлик изчил давом эттирилмоқда. Ўзбекистонлик учувчи ва техник ходимлар «Boeing» ўқув марказларида малака оширмоқда.

Учрашувда Марти Бентрот самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, «Boeing» «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан ҳамкорликни изчил ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида авиация ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

***Халқимиз "Ҳунар — ҳунардан унар", "Ҳунарли минг йил яшар", "Ҳунари йўқ кишининг мазаси йўқ ишининг", "Йигит бўлса ҳунарли, чўнтаги кумуш-зарли" деган мақол ва ибораларни бежиз айтмаган. Сабаби, азал-азалдан ҳунармандлар элимиз ардоғида бўлишган. Айниқса, мустақиллик йилларида уларнинг ишлари, хайрли юмушлари қадр топиб, янада жонланди. Бунда, табиийки, соҳани янада равнақ топтиришга қаратилган кўплаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан бир қаторда, Президентимизнинг шу йил 30 мартдаги "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони муҳим дастуриламал бўлмоқда.***

# ҲУНАРМАНДЛИККА ЭЪТИБОР ВА ИМТИЁЗЛАР

**туфайли мамлакатимизда миллий қадриятларимиз янада ардоқланиб, ривож топмоқда**

Унга кўра, ҳунармандларга, уй шароитида шу соҳада ишлаётганларга анча қулайликлар яратилгани, солиқ тўловлари бўйича белгиланган имтиёзлар 2012 йилнинг 1 апрелига қадар узайтирилгани бунинг тасдиғидир.

2009 йилнинг март ойида рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси халқ усталари, ҳунармандлари, мусаввирлари "Ҳунарманд" уюшмасининг Фарғона вилояти бошқармаси томонидан ўтган даврда шаҳар ва туманлардаги 2337 нафар ҳунарманд уюшма аъзолигига қабул қилинди. Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярмида улар сафи 340 нафарга кўпайган бўлса, ҳунармандчилик билан шуғулланувчи оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш, ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш ва кенгайтириш орқали 450 та янги иш ўрни яратилди. Маҳалла ва қишлоқ фуқаролари йиғинлари ҳудудида уй шароитида ҳунармандчилик билан шуғулланувчиларни аниқлаш, яъни мониторинг ўтказиш натижасида эса қонунчиликда белгиланган тартибда 240 нафар ҳунарманд давлат рўйхатидан ўтказилди, 19 та "Уста-шогирд" мактабининг фаолияти йўлга қўйилди.

Айни кунларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини ижро этиш йўлида астойдил ҳаракат қилаяпмиз. Хусусан, шаҳар ва туманларда миллий ҳунармандчиликнинг замонавий турлари тарғиб этилмоқда. Натижада Марғилон шаҳрида машҳур ҳунарманд Солижон ота Аҳмадалиев раҳбарлик қилган, кейинчалик фаолияти тўхтаб қолган читгарлар ва атлас тўқувчиларнинг "Зарбдор" артели 2010 йилнинг январь ойидан қайтадан иш бошлади. Вилоятимизнинг бошқа ҳудудларида эса кам таъминланган, имконияти чекланган оилаларнинг 35 нафар фарзандига атлас, адрас, гилам тўқиш, миллий бош кийим тикиш, каштадўзлик, читгарлик бўйича бепул таълим берилаётир.

**Ифтихор**

Бундан ташқари, вилоят бозорлар уюшмаси билан биргаликда шаҳар ва туманлардаги бозорларда ҳунармандлар учун махсус расталар ташкил қилинди. ЎзЛиДеП вилоят кенгашининг тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш бўлими билан ҳамкорликда тегишли қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар базаси яратилгани ҳам ҳунармандларимизга қўл келмоқда.

Айниқса, жорий йилнинг 12 апрель куни Марғилон шаҳридаги "Адрас" меҳмонхонасида халқ усталари, моҳир ҳунармандлар иштирокида кўргазма ва ўқув семинари, 13-14 май кунлари "Водий камалаги — 2010" мода ва дизайнерлар фестивали ўтказилгани муҳим аҳамият касб этди. Чунончи, мазкур фестивалда кўплаб уста ҳунармандлар, ёш модельерлар ва дизайнерлар фаол қатнашиб, вилоят ҳокимлигининг дипломи ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида шаҳар ва туманларда 20 апрелдан 5 июнгача "Меҳнат инсонни улуғлайди" шиори остида ташкил этилган кўргазмали савдо ва ўқув семинари ҳам кўпчиликнинг ёдида қолди. Нега деганда, ёшларни касб-ҳунарга ҳамда тадбиркорлик соҳасига йўналтириш бўйича уюштирилган бу тадбирларда ҳунармандлар томонидан тайёрланган 87 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулотлар сотилди. Энг кўп маҳсулот ишлаб чиқарган ҳунармандлар, энг кўп шогирд тайёрлаган усталарга вилоят ҳокимлигининг дипломлари топширилди.

Бошқармамиз жамоаси, шунингдек, туризм фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунинг натижасида ҳунармандлар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг кўплаб кўргазмалари ташкил этилаяпти. Туризм маршрутларига киритилган Марғилон шаҳридаги Саид Аҳмад Хўжа Эшон ва Қўқон шаҳридаги "Хўжанд" мажмуаларида эса ҳунармандлар томонидан тайёрланган маҳсулотларнинг кўргазма-савдо галереяси доимий равишда ишлаб турибди. Бу тадбирларда бошқармамизнинг Марғилон, Қўқон, Қува шаҳарлари, Бешариқ, Охунбобоев, Ўзбекистон, Учкўприк, Тошлоқ, Риштон туманлари бўлимлари фаол иштирок этмоқдалар.

Мухтасар қилиб айтганда, бугун ҳунарманд аҳли — қувонса ҳақли. Зеро, улар ўз фаолиятларини янада ривожлантириш учун давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътиборни ҳар қадамда ҳис этиб турибдилар.

**Иброҳим ҲАМДАМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси халқ усталари, ҳунармандлари, мусаввирлари «Ҳунарманд» уюшмасининг Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи.**

Спорт ● Sport ● Спорт

# ЙИГИРМАНЧИ ТУРДАН СЎНГ...

***Ўтган дам олиш кунлари футбол бўйича Ўзбекистон XIX миллий чемпионатининг йигирманчи тур учрашувлари бўлиб ўтди.***

Ушбу турда амалдаги чемпион "Бунёдкор" сафарда "Нефтчи" жамоаси меҳмони бўлди. Қаторасига тўртта сафар ўйинига чиққан пойтахтлик футболчилар ўтган турда Самарқандда "Динамо"ни қийинчилик билан мағлубиятга учратишганди.

Барчага яхши маълумки, ҳар қандай ҳолатда ҳам фарғоналиклар устози Юрий Саркисян ҳужумкор футболни хуш кўради. Бу сафар ҳам Саркисян ўзининг севимли услубидан воз кечгани йўқ. Тўғри, олдинги чизиқда биргина Анвар Бердиев майдонга туширилган бўлсада, И. Акрамов ва М. Саидов кўп вазиятларда ҳужумчига ёрдам беришди. Бироқ "Бунёдкор"нинг тажрибали ҳимоячилари Г. Гочгулиев ва А. Исмоилов "Нефтчи" футболчиларига умуман имконият беришмади.

Учрашувнинг 15-дақиқасида "Бунёдкор" ҳужумчиси Боян Калевич кутилмаганда рақиб билан тўқнашувда оёғидан жиддий жароҳат олди. Шифокорларнинг тезкор ёрдами ҳам унга ўйинни давом эттириш имконини бермади. Натижада мураббий Миржалол Қосимов ёш ҳужумчи Анвар Ражабовни майдонга туширишга мажбур бўлди. Узоқ вақтдан бери захирада ўтирган Ражабов майдонга тушиши биланоқ, меҳмонларнинг ҳужумларини сезиларли даражада кучайтира олди. Учрашув 0:3 ҳисобида пойтахтлик футболчилар ғалабаси билан якунланди. Тўпларни Тимур Кападзе ва Анвар Ражабов (иккита) киритди.

Яна бир пешқадам жамоа — "Пахтакор" ўз майдонида "Хоразм"-ни 3:0 ҳисобида доғда қолдирди. "Насаф"— "Навбаҳор" учрашувида 1:0 ҳисоби қайд этилди. Қашқадарёнинг бошқа вакили "Машъал" клуби Бекободда "Металлург"га ушбу ҳисобда ютқазди. Мазкур турдаги энг йирик ҳисоб "Шўртан"— "Олмалиқ" беллашувида қайд этилди — 5:3. "Локомотив" — "Андижон" ўйини 2:0 ҳисобида ниҳоясига етди. "Қизилқум" эса Самарқанднинг "Динамо" клубини 3:1 ҳисобида енгди.

Айни пайтда турнир жадвалида "Бунёдкор" 54 очко билан пешқадам бўлиб турган бўлса, иккинчи ўринда бораётган "Пахтакор" 46 очко тўплаб, энг яқин таъқибчиси "Насаф"дан ўн очко илгарилаб кетди. Турнир жадвалининг сўнгги поғонасини банд этиб турган "Хоразм" (8 очко) олий лигадаги ўрнини деярли йўқотиб бўлди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Яна икки йўлланма қўлга киритилди

***Жорий йилнинг декабрида Хитойда паралимпиячилар ўртасида Осиё ўйинлари бўлиб ўтади. Унда иштирок этадиган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари сони яна икки нафарга кўпайди.***

Яқинда имконияти чекланган спортчилар ўртасида ўтказилган Дания очиқ чемпионатида бухоролик енгил атлетикачилар — Алишер Усмонов ҳамда Бекзод Хўжаев совриндорлар қаторидан ўрин олдилар. Ушбу муваффақият уларга паралимпиячиларнинг Осиё ўйинларида қатнашиш имконини беради. Сал аввалроқ бухоролик икки нафар енгил атлетикачи — Музаффар Ражабов ва Ойбек Бозоров ҳам Осиё ўйинлари йўлланмасига эга бўлишганди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ёшлар фестивали

***Гулистондаги "Алпомиш" спорт мажмуасида "Юрт келажаги баркамол авлод қўлида" шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.***

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими ташаббуси билан уюштирилган мусобақаларда юксак натижага эришган ёш истеъдодли спортчилар, Гулистон давлат университетининг иқтидорли талабалари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ўқувчилари ҳамда болалар ташкилоти етакчиларига вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари топширилди.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Танлов**

# «МУСТАҚИЛ ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ»

***Пойтахтимизда "Мустақил юрт фарзандларимиз" мавзуида болалар расмлари кўргазма-танлови бўлиб ўтди.***

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика болалар бадиий ижодиёти маркази ҳамкорлигида иқтидорли ёшларни излаб топиш, уларнинг қобилиятини юзага чиқариш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга оид бир қатор маърифий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бунда кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандлари, Меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари учун турли бадиий-ижодий тўгараклар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

"Мустақил юрт фарзандларимиз" кўргазма-танловидан кўзланган асосий мақсад юртимизнинг турли ҳудудларида яшовчи истеъдодли болаларнинг самарали ижодий изланишлари билан жамоатчиликни, тенгқурларини таништиришдан иборатдир. Кўргазма-танловга болаларнинг тасвирий ва амалий санъатга оид икки юздан ортиқ ижодий иши келди.

Танлов якунига кўра, Самарқанд шаҳридаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг 1-синф ўқувчиси Соҳиб Рашидий "Эртага байрам" расми учун тасвирий санъат йўналишида, Тошкент шаҳридаги 117-умумий ўрта таълим мактабининг 4-синф ўқувчиси Диёра Бахтиёрова матони бисер билан безашга оид ижодий иши учун амалий санъат йўналишида биринчи ўринга лойиқ топилди.

Ижодий беллашув доирасида болалар расмлари кўргазмаси ўтказилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# МУСИҚАНИНГ СЕҲРЛИ ЖОЗИБАСИ



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

***Мусиқа киши руҳиятини покловчи мўъжизакор куч, маънавий тарбиянинг ажралмас қисмидир. Президентимизнинг "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори навқирон ўғил-қизларимизнинг истеъдоди ва салоҳиятини юксалтириш, ёшларни санъатга муҳаббат руҳида тарбиялашдек эзгу мақсад рўёбига хизмат қилмоқда.***

**2010 йил — Баркамол авлод йили**

Қарорда белгиланган вазифаларга мувофиқ, ёш авлоднинг миллий мусиқа санъатимиз ҳамда жаҳон мумтоз мусиқасининг бетакрор намуналаридан кенг бохабар бўлишини таъминлаш мақсадида амалий саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Бугун нафақат шаҳар жойларда, балки энг чекка қишлоқ ҳудудларида камолга етаётган иқтидорли фарзандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жойларда бошланғич мусиқий таълимни янада такомиллаштириш, мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини ривожлантириш ҳамда уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилаётир.

Амударё тумани, Манғит шаҳридаги 9-болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳам ёшларга замон талабларига мос тарзда билим бераётган етакчи ўқув масканларидан саналади. Бу ерда икки минг нафардан зиёд ўғил-қиз 16 йўналишда мусиқа ва санъат илмидан сабоқ олмоқда. Иқтидорли ўқувчилар "Болалик баҳори", "Янги авлод" номли фестивалларда, "Келажак овози", Муҳиддин Қориёқубов номидаги республика кўрик-танловларида, шунингдек, Россия, Италия, Ҳиндистон каби мамлакатларда бўлиб ўтаётган нуфузли халқаро беллашувларда миллий санъатимиз ҳамда жаҳон мумтоз мусиқаси намуналарини ижро этиб, олқиш ва эътирофларга сазовор бўлмоқдалар.

— Мусиқа шундай соҳаки, у ҳамиша соз билан ошно бўлишни, кунига саккиз-тўққиз соатлаб куй чалиб, машқ қилишни тақозо этади, — дейди мактаб директори Мансурбек Туленият. — Зеро, санъаткор бўлиш орзусидаги одам чин дилдан мусиқага меҳр қўйса, ундан бир зумга ҳам узоқлашмай, тинимсиз ўз устида ишласагина, кўзлаган муддаосига етади. Шуни эътиборга олган ҳолда, мактабимиз ёшларининг қобилиятини юзага чиқариш, уларнинг билим ва истеъдодини тоблаш мақсадида қўшимча ва экспериментал машғулотлар, махсус синов дарслари, турли маданий-маърифий тадбирлар, кўрик-танлов ва беллашувлар мунтазам ташкил этиб борилмоқда. Ўқитишдаги бу каби янгича услублар самараси ўлароқ, ёшларимизда ижодга ҳавас ҳисси ортмоқда. Улар феъл-атворида ўзига нисбатан талабчанлик хислати шаклланиб бораётганлиги эса асосий ютуғимиздир.

Бу, албатта, қувонарли ҳол. Зотан, яқин келажакда жаҳон миқёсидаги нуфузли тадбирларда иштирок этиб, юртимиз довруғини юксалтиришга бел боғлаган ёшлар чуқур билимга эга бўлиш учун астойдил ҳаракат қилишлари лозим. Бу борада, табиийки, ўқув даргоҳида ёшларга илм бераётган малакали педагог ходимларнинг таълим-тарбия жараёнига ижодкорона ёндашувлари муҳим аҳамият касб этади.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ОБ-ҲАВО

**(22 сентябрь)**

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 9-14, кундузи 26-28 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 9-14, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 8-13, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 10-15, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Тунда 8-13, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 11-13, кундузи 26-28 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

IPOTEKA BANK
«ИПОТЕКА-БАНК»
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ИПОТЕКА БАНКИ
юқори қувватли пул санаш машинкалари харид қилиш бўйича
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.
Танловда қатнашиш учун тижорат таклифлари 2010 йил 28 сентябрга қадар қуйидаги манзилга ёпиқ конвертда юборилиши лозим:
**100000, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 17-уй,**
«Ипотека-банк» учун юқори қувватли пул санаш машинкалари харид қилиш бўйича танловга» деб кўрсатилиши шарт.
**Маълумот учун телефонлар:**
**(8-371) 150-26-66, 150-28-00.**
892Я/1042

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Анвар Аҳмедовга волидаи муҳтарамаси
**Нафиса ҲАМИДОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика "Оила" илмий-амалий маркази жамоаси психология фанлари доктори, профессор Васила Каримовага турмуш ўртоғи
**Шарифжон КАРИМОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон давлат санъат институти жамоаси санъатшунослик кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди Маъмур Умаровга акаси
**Султоншайх УМАРОВнинг**
вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

"O`zbekiston" телерадиоканали жамоаси "Янги жамият" студияси муҳаррири Султонмурод Умаровга синглиси
**Муҳайё ОХУНЖОНОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Ўзбекэнерго" ДАК "Ўзэлектртармоқ" УК жамоаси Жанубий-Ғарбий магистраль электр тармоқларининг Бухоро тумани юқори кучланиш тармоқлари бошлиғи
**Ҳаёт МУҲАМЕДЖАНОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 803. 41789 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.55 Топширилди — 02.30 1 2 3 5